



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2014 йил 18 февраль, № 34 (5964)

Сешанба

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

■ Бухоро шаҳридаги “Хушбўй Косметикс” қўшма корхонасида маҳсулот тури ўн учтага етди. Бу ерда шиша тозалаш воситаси тайёрлаш технологияси ҳам ўзлаштирилди.

Инвестиция ва ИМКОНИЯТ

Жами 261 минг 727 АҚШ долларилар сармома эвазига ташкил этилган қўшма корхонада совун, шампунь ҳамда турли тозалаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу маҳсулотлар сифатлиги билан буюртмачиларга маъқул тушапти. Бултур корхона харидорларга 886 миллион сўмлик импорт ўрнини босадиган ана шундай маҳсулотларни етказиб берди. Айни пайтда эса уларни экспорт қилиш тadbирлари кўрилмоқда. Айтиш жоизки, жорий йилда вилоятда Инвестиция дастурига мувофиқ, чет эл сармоядорлари иштирокида умумий қиймати 30,1 миллиард сўмлик 16 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Молиявий соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар Самарқанддаги инқироз ёқасига келиб қолган “Асл нафис” очик акциядорлик жамияти фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Самарқанд чинниси

Яъни 17 миллиард сўмлик кредит эвазига бу ерда кенг қўламли модернизациялаш тadbирлари амалга оширилди. Пировардида чинни буюмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган “Асл нафис”да маҳсулот сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми уч баробар ортди.

— Бу орқали 250 нафар хотин-қиз доимий иш

ўрнига эга бўлди, — дейди корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Фирдавс Раҳмонов. — Ҳозир 200 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Зарур хом ашё Ангрендан келтирилмоқда.

Корхонада модернизация ишлари давом эттирилмоқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Сардоба туманидаги “Данғара Бахмал” фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Жабборовнинг Тошкентда ўтказилган кишлқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари саноат кўргазмасидаги иштироки унинг учун ҳар томонлама фойдали бўлди.

Кўшимча тармоқдан даромад

Гап шундаки, ана шу кўргазма туфайли чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжалик қошида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бу ерга пойтахтлик муҳандис-олимлар яратган технологик линия ўрнатилди.

Корхонада ҳозирча уч турдаги маҳсулот қадоқланмоқда. Эътиборлиси, қайта ишлаш фаолияти йўлга қўйилгач, ҳудуддаги мактабгача таълим ва бошқа ижтимоий муассасалар ҳамда савдо дўконларига арзон, сифатли сут маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда янада кўпаяди. Айни чоғда фермер хўжалигининг тармоқдан оладиган даромади ҳам сезиларли даражада ошадиغان бўлди.

Аҳмад ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Навоий шаҳридаги “Идеал Нур” корхонасида Голландия технологияси асосида “Шарлотто” ва “Бонакуа” помидор навлари маҳаллий шароитга мослаштирилди.

Ҳарорат меъёрида сақланади

Бунга иссиқхонага ҳароратни назорат қилиш ускунаси ўрнатилиши эвазига эришилди.

— Бир гектар майдонда қарий 1 миллиард сўм сармома эвазига бунёд этган замонавий иссиқхонамизнинг афзаллиги шундаки, унда электр энергияси, сув ва зарурий мине-

раллар сарфи кескин камайди, — дейди корхона раҳбари Фарҳод Турсунов. — Шу билан бирга, ҳосилдорлик бир неча баробар ортди. Бу эса бизнинг даромадимиз кўпайиши ва аҳоли дастурхони фаровонлигига хизмат қилади.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ

маиший техника воситалари ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаяпти



ИНТИЛИШ

Мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражаси йил сайин юксалиб, турмуши тобора обод бўлиб бораёпти. Ҳозирги кунда юртимизда яшаётган ҳар 100 та оиллага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келаётгани, шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, чангюткич, микротўлқинли печь, шахсий компьютер ва бошқа зарур уй-рўзғор жиҳозлари билан таъминланиш кўрсаткичи муттасил ортиб бораётгани ана шундан далолат беради. Бу Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида “Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун” деган эзгу ғоя асосида изчил амалга оширилаётган чора-тadbирлар самарасидир.

Аҳолининг оғирини енгил қилаётган ана шу маиший техника воситаларининг аксариятини ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ички бозорни юқори сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотлар билан тўлдиришда айни муддао бўлаяпти.

Жумладан, бундан уч йил муқаддам Нукус шаҳрида дунёга машҳур “Samsung Electronics” компанияси ҳамда “White Machine Technology” қўшма корхонаси ҳамкорлигида замонавий электр чангюткич ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бунинг учун 1 миллион 900 минг АҚШ

доллари миқдоридан инвестиция киритилди. — Фаолиятимизни импорт ўрнини босувчи, харидорлар дидига мос рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш мақсадида бошлаган эдик, — дейди масъуляти чекланган жамият шаклидаги “White Machine Technology”

қўшма корхонасининг Нукус шаҳридаги “Электроника” филиали раҳбари Козим Яминов. — Қувонарлиси, бугун бу эзгу ниятимизга эришяпмиз. Айтайлик, корхона ташкил этилган 2011 йилнинг охиригидан бундан қарий 8 минг 200 та чангюткич ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилда бу

кўрсаткич 43 минг 600 тадан ошди. Бошқача айтганда, бир йил ичида ишлаб чиқариш ҳажми деярли 5 баробар ўсиб, харидорларга 5 миллиард 236 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Тараққиётнинг «ўзбек модели»

Кейинги йилларда мамлакатимизда дунёнинг камдан-кам давлатлари иқтисодийётида кузатилаётган барқарор ривожланишга эришилаётгани барчанинг ҳавасини келтираяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

■ ИСЛОХОТ

Гап шундаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан зиёдн ташкил этаётгани халқаро экспертларнинг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда. Шу ўринда табиий савол туғилади: бундай юқори натижаларга қайси омиллар ҳисобидан эришилаёпти?

Кўлга киритилган ютуқ-

лар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, авваломбор, тизимли демократик бозор ислохотларини жорий этиш, иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттириш — буларнинг бари муваффақиятларнинг асосий

омилдир. Эътиборли жиҳати, ялпи ички маҳсулотнинг муттасил ўсиши анъанавий хом ашё тармоқлари ёки бўлмаса, жаҳон бозоридидаги қўлай конъюнктура ва айрим хом ашё ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, аксинча, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш

эвазига таъминланаётир. Президентимиз мамлакатни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бу ҳақда тўхталиб, ўтган йилда ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида мутаносибликка эришилгани, модернизация ҳамда диверсификация туфайли юқори суръатлар таъминланганини алоҳида қайд этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Обод турмуш йўли миллий иқтисодийётимизни сифат жиҳатидан ўзгартириш, халқимизнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда навбатдаги муҳим давр бўлди. Ушбу эзгу мақсадларни рўйга чиқариш учун тегишли Давлат дастури доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион АҚШ долларидан ортик маблағ ўзлаштирилгани ана шундан далолат беради, албатта.

(Давоми 2-бетда).



2013 йилда мамлакатимизда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳаларига Республика йўл жамғармаси ва халқаро молия институтларининг

565 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағлари жалб этилди.

Бунинг эвазига Ўзбекистон Миллий автомагистрал таркибига кирадиган “Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов” автомобиль йўлида катта ҳажмли цемент-бетон қоплаш, “Тошкент — Ўш” автомобиль йўлида асфальт-бетон ётқизиш ишлари амалга оширилиб, Тошкент айланма йўлининг янги йўналиши барпо этилди, шунингдек, Бухоро шаҳридаги халқа йўлида йўлтуказгич қурилиши яқунга етказилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Маънавий тарғибот ва амалиёт

Ички ишлар вазирлигида “Маънавиятга таҳдид — келажакка таҳдид” мавзусида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди. Унда тизим ходимлари, маънавият тарғиботчилари, сиёсатчилар ва санъаткорлар қатнашди.

■ ТАДБИР

Таъкидланганидек, давлатлар ҳамда халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, замонавий коммуникация ҳамда ахборот технологиялари, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадрларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши — буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда. Айни пайтда ушбу жараённинг салбий жиҳатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, унинг мафкуравий таъсир ўтказиш воситасига айлангани, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказлар манфаатига хизмат қилаётгани ҳамда бу миллий маънавиятимизга таҳдид солаётгани ҳар биримизни огоҳлик ва ҳушёрликка чорлайди.

— Мустақил фикрига, аҳдоқларимиздан мерос ҳаётий-миллий кадрларга, соғлом дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўлиш бугун ниҳоятда зарур ҳислатдир, — дейди ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати тарбиявий ишлар бошқармаси бош мутахассиси, майор Шоқиржон Содиков. — Мазкур тadbир шу жиҳатдан биз учун жуда фойдали бўлди. Зеро, ёшларимиз маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом турмуш тарзи, миллий ва умуминсоний кадрларга хурмат туйғусини шакллантириш ҳар биримиз учун энг муҳим вазифалардан, десак, айни ҳақиқатдир.

З. ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ АНЖУМАН

Республикаимизда мустақиллик йилларида ҳар томонлама кучли ва билимли авлодни тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган изчил давлат сиёсати ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Дахлдорлик масъулияти

Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарори ҳам юртимиз таянчи ва келажаги ҳисобланган баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги яна бир эзгу ҳаракат бўлди. Кеча Адлия вазирлиги томонидан пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида ташкил этилган “Ватан келажаги сенинг қўлингда!” деб номланган маърифий-хуқуқий анжуманда ҳам шулар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, бугун соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш устувор вазифага айланган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида”-ги Қонун ҳамда узлуксиз таълим тизимидаги уч босқичли спорт мусобақалари ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

ЖАХОН **24 СОАТ ИЧИДА**

2013 йилнинг сўнги чорагида ягона валюта бирлигига аъзо мамлакатлар иқтисодийоти аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 0,3 фоиз ўсди.

Умумий кўрсаткичлар таҳлили

Бунда бир қатор давлатларда ялпи ички маҳсулот ҳажми юксалгани мўҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Германияда 0,4, Франция, Испания, Австрияда 0,3, Италияда 0,1 фоиз ўсиш қайд этилган. Бу борада энг катта кўрсаткич (0,7)га Нидерландия эришди.

Талаб бўйича таҳмин

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) экспертлари жорий йилда углеводород хом ашёсига бўлган кунлик талаб 90,98 миллион баррелга етишини тахмин қилишмоқда.

Бу ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 40 минг баррель кўпдир. Демак, умумий ҳисобда жорий йилда ОПЕК аъзолари томонидан 2013 йилдагидан 1,09 миллион баррель зиёд "қора олтин" қазиб олинади.

Хуфиёна иш келтирган ташвиш

Жанубий Африка Республикасидаги ташландиқ олтин конларидан бирида ноқонуний ишлаётган ишчилар гуруҳи ер остида қолиб кетди.

Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида қончилардан 30 нафарининг ҳаёти сақлаб қолинган. Аммо ер остида яна 200 нафар ишчи бор. Мутахассислар уларни кутқариш чораларини кўришмоқда.

Жанубий Африка Республикасида бундай воқеалар тез-тез учраб туради. Масалан, 2012 йилда яширин равишда олтин қидираётган 20 нафар қончи бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмган эди.

Машҳур асар баҳоси

Лондондаги "Christie's" аукционидида таниқли расм Фрэнсис Бэкон асарларидан бири 69,3 миллион АҚШ долларига сотилди.

1966 йилда яратилган, "Жорж Дайернинг гапиратган портрети" дея номланган ушбу асар расмнинг сўнги ўн йил ичида савдога қўйилган энг машҳур ижод намуналаридан бири ҳисобланади. Аукцион аввалида мазкур картина 50 миллион АҚШ долларига баҳоланганди. Савдода Бэконнинг яна бир картинаси — "Портретта чизгилар" 4,3 миллион АҚШ долларига сотилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Молия-банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли тижорат банкларининг ресурс базаси кенгайиб, йил сайин мустақамланиб бораётгани, бу, ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Республикаимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири — "Трастбанк" хусусий очик акциядорлик биржа банки ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этиб, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ривожига салмоқли ҳисса қўшаётир.

«Трастбанк»:

Бизнес лойиҳаларнинг молиявий мададкори

Фаолиятимиз кенгайди

Бизнес фаолиятини юритиш учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар биз, тадбиркорларни энг марралар сари руҳлантиряпти. Узимиздан қиёс: бундан тўрт йил аввал савдо хизмати кўрсатишни йўлга қўйган эдик. Асосан, деҳқон ва соҳибкорлар томонидан етиштирилган нозу неъматларни улғуржи етказиб бериш билан шугулланардик.

Кейинги йилларда соҳада қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилаётгани, ишбилармонларнинг истикболли лойиҳалари камфоизли кредитлар билан молиялаштирилаётгани бизни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ундади.

Гап шундаки, 2013 йилда Чирчиқ шаҳрида замонавий тегирмон куришга аҳд қилдик. Бироқ электр энергияси билан ишлайдиган тегирмон линияси биносини куришга қурбимиз етмади. Шундай бир пайтда "Трастбанк"нинг молиявий ёрдами кўл келди. Бизнес-режа тузиб, зарур ҳужжатларни банкнинг "Дархон" филиалига топширдик. Филиал жамоаси режамизни ўрганиб чи-

қиб, 2 млрд. сўмлик кредит ажратди. Бу маблағни тежаб-тергаб, ўринли сарфлаганимиз туфайли йил охирига келиб, 149 тонна галлани қайта ишлаш қувватига эга тегирмонни ишга туширдик.

Хозирги кунда корхонамизда 18 нафар киши меҳнат қилаётир. Соғлом бола йилида фаолиятимизни янада ривожлантириб, янги иш ўринлари ташкил этиш ниятидамыз. Банкдан олинган кредитни эса ўз вақтида тўлаб, ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаймиз.

Собир УСМОНОВ, «Mister Sunrise» МЧЖ раҳбари.

Муолажа учун илғор ускуналар

Бизнинг даволаш мажмуамиз 2004 йилда иш бошлаган бўлиб, пойтахтимизнинг Чилонзор ва Яккасарой туманларидаги муассасаларимиз томонидан аҳолига кўплаб турдаги тиббий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш, беморларга тез ташхис қўйиш ва даволаш борасида кўплаб ижобий натижаларга эришдик. Хизматимизга бўлган талабнинг

Дарҳақиқат, жорий йилда ташкил этилганига 20 йил тўладиган мазкур банк ўтган давр ичида молиявий хизматлар бозорига мустақам ҳўрин эгаллаб, ўзигагина хос бўлган иш услубини яратиш, маркетинг сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга эришди. Бу фаолият кўламини тобора кенгайтиришда мўҳим омил бўлди. Бугунги кунда 9 та филиали ва 44 та минибанки орқали сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, банкнинг 102 та офис идораси ишга туширилиши эвазига миқозлар сони 100 мингдан ошди. Улар орасида республикаимиздаги йирик компаниялар ва акциядорлик жамиятлари борлиги эътиборга моликдир. Ўтган 2013 йил, айниқса, "Трастбанк" фаолиятида жадал ривожланиш даври бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган "BANKEXPO — 2013" кўргазмасида "Тадбиркорнинг энг яхши ҳамкори ва таянчи" номинациясида биринчи ўринни эгаллагани, VI Халқаро Тошкент инвестициявий молиявий форумида эса "Йилнинг энг яхши хусусий банки" номинациясида ғолиб, деб топилгани бунинг амалий тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш банк жамоасининг диққат-эътиборида бўлди. Унда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, кредит маблағларининг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес ҳамда хунармандчилик соҳасига, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларни тадбиркорликка жалб этиш максадларига йўналтирилди. Пировардида республикаимизнинг ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларида янги корхоналар ташкил этилиб, аҳолининг бандлиги даражаси оширилди. Президентимиз таклифи билан "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган 2014 йилда ҳам банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида кредитлар ҳажмини 1,3 баробар кўпайтириш режалаштирилган. Миқозларининг қуйидаги дил изҳорлари эса "Трастбанк" уларнинг ишончли молиявий ҳамкори ва таянчига айланганидан яққол далолат беради.

замонавий иншоотлар, кўркам бинолар барпо этилганидан яхши хабардорман. Натижада юртдошларимиз ўзида барча қулайликка эга тураржойларда яшаб, замонавий офисларда меҳнат қилишмоқда. Бунга бизнинг кичик жамоамиз ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан беҳад бахтиёрмыз.

Корхонамизда шифтбоп пластик қопламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилишида, очиги, "Трастбанк"нинг молиявий ёрдами кўл келди.

Ўтган йили иш бошлаган банкнинг Самарқанд филиалига бизнес-режамни тақдим қилган эдик. Банк ходимларининг ҳам юридик, ҳам молиявий маслаҳатлари сабаб, режага бир оз ўзгартиришлар киритилгач, 200 млн. сўм миқдорига кредит ажратилди. Шунинг ҳисобидан хориждан технологик дастгоҳлар ва хом ашё сотиб олиб, маҳсулот тайёрлашни бошлаб юбордик.

Айни пайтда корхонамизда ўн икки нафар киши доимий иш билан банд. Маҳсулотимиз харидорлари эса кун сайин кўпаймоқда. Соғлом бола йилида фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга аҳд қилганмыз. Ушбу режаларимиз рўёбда яна ҳамкоримиз — "Трастбанк" хизмати-га таянамыз.

Тожиқул ПЎЛАТОВ, «Sam-Plastik» хусусий корхонаси директори.



мамиздаги масъулиятни янада оширди. Буни чуқур хис қилган ҳолда, жорий йилда ҳам банк билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, фарзандларимиз саломатлигини мустақамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришамиз, албатта.

Амина РАШИТ, «Najod Shifo» МЧЖ директори.

Қурилиш материаллари кўпайди

Касбим қурувчи бўлгани боис мамлакатимизда истиклол йилларида бунёдкорлик жабҳасида бой тажриба тўплангани, кўллаб

● Реклама ва эълонлар ●

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов кўйидаги йўналишларда олиб борилди: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида таъбиқ этиш истикболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ҳамда материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Фонд энг истикболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.

Web-site: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.

Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

"ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ" ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси, махсус транспорт, қурилиш асбоблари, кичик механизация воситалари, технологик жиҳозлар, лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир миқоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

Лизинг 1 йилдан 5 йилгача
Ижара 1 йилгача

2014 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

- МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР:
- КУВУР ЁТҚИЗГИЧ "PipeLineMan PMGY-70";
- ШУНИНГДЕК, АЙНИ ПАЙТДА КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР (ОТБОЙНЫЕ МОЛОТКИ);
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.



Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-“А” уй.

www.qurilish-lizing.uz
E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган

Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04, моб.: (+99890) 189-95-41, 958-61-61. Тел./факс (8-371) 250-51-04

«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

Мисланган пайвандлаш сими
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70, Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2,0-4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институти жамоаси собиқ ходим, техника фанлари номзоди **Қўрқмас Муқимович ИНОГАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси ўқув бўлими бошлиғи, доцент Баҳодир Қимсанович Ҳасановга волидаи муҳтарамаси **ҲИДОЯТ** аяниг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ўрнида

Спорт

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ташкил этилган энгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотлардаги VI Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин, тўртта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди.

Ҳамюртимиз Осиё рекордини янгилади

Хусусан, София Бурхонова (ядро улоқтириш), Светлана Радзивил (баландликка сакраш) ҳамда Анастасия Журавлёва (уч хатлаб сакраш) Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Этиборлиси, Светлана Радзивил ўз натижаси (бир метру 96 сантиметр) билан нафақат мусобақа ғолиблигига эришди, балки ёпиқ иншоотлардаги китъа биринчиликларни рекордини ҳам янгилади.

Даръя Резниченко (узунликка сакраш), Александра Котлярова (уч хатлаб сакраш), Юляя Тарасова ҳамда Леонид Андреев (кўп кураш) иккинчи погонани банд этган бўлса, Руслан Курбонов (уч хатлаб сакраш) кучли учликдан жой олди.

Дастанлар турда ишончли ғалаба

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бокс бўйича Ўзбекистон, Буюк Британия, Россия ва мезбон давлат терма жамоалари ўртасида ўтказилаётган мусобақани мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли бошлади.



Дастанлар турда Россия терма жамоаси аъзолари билан рўбарў келган ҳамюртларимиз 6:4 ҳисобида зафар кучиди.

Шу ўринда айтиб ўтасак, қойдага мувофиқ, ҳар бир жамоа аъзоси барча иштирокчи давлат спортчилари билан ўзаро беллашади.

Халқор турнирда терма жамоамиз бош мураббийи Марс Қўқоров Нодиржон Мирзааҳмедов (-49 кг.), Шаҳобидин Зоиров (-52 кг.), Муроджон Аҳмадалиев (-56 кг.), Элнур Абдураимов (-60 кг.), Достонбек Турдиев, Қобилжон Бобожинов (-64 кг.), Исроил Мадримов, Нодирбек Қосимов (-69 кг.), Азизбек Абдугофуров (-75 кг.), Ойбек Мамазулов (-81 кг.), Рустам Тўлағонов (-91 кг.) ва Мирзохиджон Абдуллаев (+91 кг.)га ишонч билдирган.

Вакилларимиз кеча Қозоғистон терма жамоаси аъзолари билан куч синаяшди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

ТАЪЛИМ

Уйчи туманидаги спорт коллежи қошида фаолият кўрсатаётган «Робот» корхонасида 711 нафар ўқувчига чеварлик, маиший хизмат кўрсатиш, иссиқхона хўжалиги, қандолатчилик сингари йўналишларда ҳам сабоқ берилмоқда.

Қўшимча касб эгаллайди

Этиборлиси, йигит-қизлар ўқув нихоясида спорт мутахассислиги билан бирга, ана шу касбларни эгаллаганлиги тўғрисида сертификат ҳам оладилар.

— Утган йили банкнинг 24 миллион сўмлик кредити эвазига тикунчилик цехи очдик, — дейди корхона раҳбари Феруза Мелибоева. — Ҳозир бу ерда коллежнинг чевар қизлари ўндан ортқ турдаги спорт кийимлари тиқшаппти. Иссиқхонада парваришланаётган лимон қўчатларидан бир тоннага яқин ҳосил олинди.

Шу билан бирга, сартарошхона ҳамда аҳолига компьютер хизматларини кўрсатиши ҳам йўлга қўйганмиш. Айтиш лозимки, бугунги кунда Наманган вилоятидаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этилган 762 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ёшларга 19 йўналиш бўйича қўшимча хунар ўргатилаёттир.

Қудратилла НАЖМИДНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эзгу фазилатлар мезони

Маънавият инсонни иродали, иймонли, куч-қудратли, хушёр ҳамда сабр-матонатли бўлишга ундайдиган, уни эътиборсизлик, бефарқликдан уйғотадиган ноёб хислатлардан биридир. Виждон поклиги эса инсон маънавиятининг таянч устунларидан ҳисобланади.

МАЪНАВИЯТ



Шу боис ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, маънавият масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар халқимиз, зиёлиларимиз, хусусан, маънавият тарғиботчилари зиммасига юксак вазифалар қўйди. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган илтимолдор натижасида, айниқса, ёшларимизнинг турли ахборот хуружлари, жамиятимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан мафруравий имунитети шаклланди.

— Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув даврида мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта.

Шу билан бирга, сайёраимизнинг турли жойларида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳар бир фуқарони доимо огоҳ бўлиб яшашга ундайди, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби Тангир Сатторов. — Негаки, ҳозирги вақтда баъзи мамлакатларда авж олаётган зиддиятлар, низо ва фитналар ҳам маънавий таназзул сабаб, десак, хато эмас.

Ана шундай бир пайтда маънавият тарғибот марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, юрт тараққийига ҳисса қўшишга рағбатлантириш борасида ташвиқот ишларини кучайтириш талаб қилинади. Бу борада марказнинг Самарқанд

шаҳар бўлими томонидан меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Аҳолини, хусусан, ёшларни жамиятимизга ёт бўлган турли таҳдидлардан асраш, огоҳликка чорлаш мавзуида учрашувлар ўтказилаёттир.

Маълумки, тарихий обидалар, осориатикаларга бой Самарқандга ҳар йили минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Қолаверса, ушбу кўҳна шаҳар кўплаб халқор тадбирлар ўтказиладиган маскандир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, шаҳар кўчаларидаги плакатлар, лавҳалар, шорлар ҳам юртимиз, хусусан, Самарқанд шаҳрининг бой маданий-маънавий меросини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Айни кунларда шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари, халқ таълими тизимидаги мактабларнинг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун ўқув соатлари уюштирилди. Бундан қўзланган асосий мақсад маънавий-маърифий ишлар қўламидан янада кенгайтириш, ёшларни юртга садоқат, бой қадриятларимизни қадрлашга чорлаш, улар оғилларни маънавий бўшлиқ қолмаслигига эриштириш. Зеро, Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асариде таъкидланганидек, «...маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродисини бакуват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: маънавият тарғиботчилари галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашишапти.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Маданият хабарлари



Ўзбекистон Бадиий академияси Халқор маданият карвонсаройида «Шоирни ёд этиб» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Сатрларга кўчган туйғулар

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби билан ҳамкорликда уюштирилган шўбта тадбир Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланди. Шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этган кечада шоирнинг ижодий фаолияти ҳақида сўз борди.

Тадбир давомида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари Муҳаммад Юсуф шеърларидан намуналар ўқиди. Шоир шеърлари билан айтилган кўшиқлар кечага ўзгача завқ бағишлади.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

Огоҳликка чорлайди

Қарши шаҳридаги Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусикали драма театрида драматург Р. Муҳаммаджоновнинг «Аёл кечирмайди» асари асосида саҳналаштирилган «Чангак» спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Унда алдов йўли билан чет элга сотиб юборилган маъсума аёлларнинг оғир қисмати, онаси йўлига кўз тикиб, руҳий жараҳат олган меҳрга ташна болалар ҳаёти турли воқеалар орқали очиб берилган.

Спектакль одамларни огоҳликка чорлаш баробарида, уларни турли алдовлар қурбонига айланмасликка даъват этади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзлингнинг намоён қил»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Ўзлингнинг намоён қил» республика телефестивали бошланди.

Ушбу фестивал халқимизнинг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган мусика санъати ва миллий қўшиқларини асраб-авайлаш, ёшларнинг номоддий-маданий мерос дурдоналарига бўлган қизиқишларини кучайтириш, ёш истеъдод соҳибларини излаб топиш ва уларнинг ижодини кенг тарғиб қилишга қаратилган. Танлов ғолиблари энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига тақдирланадилар.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

Реклама ва эълонлар

Advertisement for 'ЎЗБЕКИНВЕСТ' (UZBEKINVEST) featuring a '20' anniversary logo and listing various services like import/export and real estate.

Advertisement for 'The GEF Small Grants Programme' and 'Kibray' clinic, offering agricultural and medical services.

Advertisement for 'Kibray' clinic and 'Toshkent Universal Auktсион Savdo' (TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS) featuring photos of the facility and auction details.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' (Halq S'uzi - Folk Word) including contact info for Muzassislar.

Advertisement for 'Boш muхarrip Utkir RAHMATOV' (Head Editor Utkir Rakhmatov) and contact details.

Advertisement for 'Toshkent Universal Auktсион Savdo' (TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS) and 'MANZILIMIZ: 100000'.

Advertisement for 'Шарк' (Sharq) and other local business information.

Advertisement for 'MANZILIMIZ: 100000' and 'Toshkent shaxri'.